

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 05/29.04.2022.Qx.13.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБДИЕВ ЗАФРАЛИ ТОШТЕМИРОВИЧ**

**ИССИҚХОНАЛАРДА ТОМАТДОШ САБЗАВОТЛАРНИ  
ГИДРОПОНИКА УСУЛДА ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**06.01.06 – Сабзавотчилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2023**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси  
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
сельскохозяйственным наукам  
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy  
(PhD) on agricultural sciences**

**Абдиев Зафарали Тоштемирович**

Иссиқхоналарда тоmatдош сабзавотларни гидропоника усулда етиштириш  
технологиясини такомиллаштириш ..... 3

**Абдиев Зафарали Тоштемирович**

Совершенствование технологии выращивания томатных овощей методом  
гидропоники в теплицах ..... 19

**Abdiev Zafarali Toshtemirovich**

Improvement of cultivation technology of solanaceae vegetables by hydroponic  
method in greenhouses ..... 35

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published

works..... 39

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 05/29.04.2022.Qx.13.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБДИЕВ ЗАФРАЛИ ТОШТЕМИРОВИЧ**

**ИССИҚХОНАЛАРДА ТОМАТДОШ САБЗАВОТЛАРНИ  
ГИДРОПОНИКА УСУЛДА ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**06.01.06 – Сабзавотчилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2023**

Кишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Qx375 рақами билан рўйхатга олинган.


Диссертация Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tdau.uz](http://www.tdau.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Асатов Шуҳрат Исмаилович кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Санаев Собир Тохирович кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Хошимхўжаев Бегзод Музаффарович Биозадеи фирмаси менежери кишлоқ хўжалик фанлари доктори
Етакчи ташкилот	Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти

Диссертация химояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги 05/29.04.2022.Qx.13.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил « 29 » март соат10<sup>00</sup>даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: [tuag-info@edu.uz](mailto:tuag-info@edu.uz); Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-кават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (547997-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100164, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университети, Ахборот ресурс маркази биноси. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2023 йил « 17 » март куни тарқатилди.  
(2023 йил « 25 » январдаги 7-рақамли ресстр баённомаси).



Э.Т.Бердиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор

М.З.Халмуротов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.д., доцент

С.А.Юнусов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.х.ф.д., профессор



## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ҳозирги кунда дунё миқёсида мева ва сабзавотларни кунлик истеъмол эҳтиёжини таминловчи соғлом овқатланишни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Помидор, сабзавотлар ичида асосий экинлардан бири бўлиб, уни ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш муҳим аҳамиятга эга. Дунё бўйича ҳозирги пайтда помидор экилган майдон 5,0 млн. га дан ошди, унинг ҳосилдорлиги очик майдонда 70-100 т/га, иссиқхоналарда 180-200 т/га, гидропоника шароитида эса 250-350 т/га етмоқда. Сўнгги йилларда иссиқхоналар майдони “Испанияда – 52 минг, Японияда – 42 минг, Хитойда – 1500 минг, Туркияда – 35 минг, Италияда – 20 минг, Нидеоландияда – 10 минг, Францияда – 8,5 минг, Польшада – 6,3 минг, Германияда – 3,7 минг, Россияда 3,1 минг, Украинада 8,0 минг ва Ўзбекистонда – 8,3 минг гектарни ташкил этган”<sup>1</sup>. Дунё бўйича ҳозирги вақтда қалампир 1,7 млн. гектар майдонда экилиб, 25 млн. тонна ялпи ҳосил олинмоқда. Бу кўрсаткич асосан Хитой, Мексика, Туркия, АҚШ ва Испанияда 70 % дан ошиқ етиштирилади.

Дунёда содир бўлаётган озик-овқат муаммосини бартараф этиш, аҳоли сонини ортиб бориши, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришга, жадаллашган технологияларни ишлаб чиқиш, яъни унинг бирдан-бир йўли экинлар ҳосилдорлигини оширишга боғлиқ бўлади. Бу имкониятни фақат инновацион технологияларни ва янги юқори ҳосилли нав намуналарини ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш ҳисобига амалга ошириш мумкин. Гидропоника иссиқхоналарда помидорни юқори ҳосилли, касалликларга чидамли нав ва дурагайлари ўрганиш, ажратиш ҳамда етиштиришнинг инновацион технологик элементларини ишлаб чиқишни тақазо этади.

Республикамизда анъанавий иссиқхоналарда томатдош сабзавотларни етиштириш, уларни мос навларини танлаш ва ҳосилдорлигини ошириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилиб, муайян натижаларга эришилган. Лекин ресурстежамкор имкониятларга эга гидропоникали иссиқхоналарда субстратларда томатдош сабзавотларни етиштириш, мос нав ва дурагайлари танлаш бўйича илмий-тадқиқотлар ўтказилмаган. 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясини қишлоқ хўжалигига оид бандида “...экспортбоп маҳсулотлар етиштириш ҳамда мева-сабзавотчиликни ривожлантириш, интенсив боғлар майдонини 3 баравар ва иссиқхоналарни 2 баравар кўпайтириб, экспорт салоҳиятини яна 1 миллиард АҚШ долларига ошириш...”<sup>2</sup> устувор вазифа сифатида белгилаб қўйилган. Тўғри овқатланиш учун сабзавотлар ассортиментини кўпайтириш, янги нав ва дурагайлари яратиш, юқори ҳосилдорликни таъминловчи, гидропоникали иссиқхоналар шароитида касалликларга бардошли помидор ва қалампир турларини морфобиологияси, қимматли хўжалик белгиларини тадқиқ қилиш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги ПФ-

<sup>1</sup><https://www.fao.org/faostat>

<sup>2</sup><https://lex.uz/docs/5841063>

5388-сон “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ги, 2018 йил 20 ноябрдаги ПҚ-4020-сон “Иссиқхона комплексларини ривожлантириш учун кўшимча шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги, 2019 йил 20 мартдаги ПҚ-4246-сон “Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармон ва Қарорлари ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий уствор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси” уствор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Помидор ва турли қалампир экинларини иссиқхоналарда етиштиришда юқори ҳосилли, касалликларга чидамли нав ва дурагайлари танлаш, ушбу экинлар бўйича кенг селекцион ишлар олиб бориш ҳамда янги нав ва дурагайлارни яратиш бўйича, чет эл олимларидан L.Bortini, E.J.Daniello, МДХ давлатларидан С.Ф.Гавриш, В.В.Огнев, Ўзбекистонда эса Н.С.Бақурас, К.К.Луценкова, В.Я.Волков, С.А.Латыпова, Е.Е.Лян, Н.Раджабова, Б.М.Хошимхўжаевлар изланишлар олиб борган. Ўтган асрнинг 80-90 йиллари Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошқачилик ИТИ олимларидан Н.С.Бақурас томонидан помидорни ҳимояланган ерларда етиштириш учун Ташкентский тепличный (1985), Гулқанд (1990) ва Аве Мария (1995) навлари яратилган.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 2019 йили ҳимояланган ерларда экиш учун помидорни 124 нав намунаси Давлат реестрига киритилган бўлиб, ҳозирги кунда ҳимояланган ерларда етиштиришга мослашган помидорни 7 та нав намуналари маҳаллий селекционерлар томонидан яратилган ва Давлат реестрига киритилган. Помидорни 5 та нави – Аве–Мария, Гулқанд, Марварид (черри), Субҳидам ва Турон навлари 2 та дурагайи – Сайхун F<sub>1</sub> ва Баҳор F<sub>1</sub> каби дурагайлари яратилди. Ширин ва аччиқ қалампирларни Тилларанг нави ва Маратос F<sub>1</sub> (st), Рейна F<sub>1</sub>, Фламинго F<sub>1</sub>, Орион F<sub>1</sub>, Клавдио F<sub>1</sub>, Шакира F<sub>1</sub>, дурагайлари яратилган.

Гидропоника иссиқхоналарда томатдош сабзавотларни етиштиришда субстратларга бўлган талаб, озиклантириш ва микроиқлимни сошлаш бўйича чет эл олимларидан E.Y.Choi, L.Francisco, Y.Q.Jing, L. Seungjun, H.Zekki, МДХ давлатларидан А.В.Альпатов, В.М.Гарбуз, Р.Х.Беков, И.В.Руфина каби олимлар илмий изланишлар олиб борган. Ўзбекистонда томатдош сабзавот экинларини гидропоника иссиқхоналарда етиштиришда технологик элементлари яъни, дурагайлари ва субстратларни танлаш, озикли эритмалар таркиби ва уларни меъёрлари ўрганилмаганлигини инобатга олган ҳолда ушбу инновацион агроусулларни ўрганиш долзарб илмий муаммо эканлиги, бу масалаларни ҳал этиш учун биз ушбу йўналишда изланишларни олиб бордик.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан**

**боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети илмий тадқиқот ишлари режасининг ҚХА-9-121-2015 “Гидропоника иссиқхоналари учун Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган минерал ўғитлар, препаратлар ва материал асосида помидор етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш” (2015-2017 й.й.) амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** томатдош сабзавотларни гидропоника иссиқхоналарида юқори ҳосилли, касалликларга чидамли нав ва дурагайлари ажратиш, етиштиришда озикали эритмаларни қўллаш муддатлари шунингдек, истиқболли субстратларни аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

помидор (*Solanum lycopersicum*), ширин (*Capsicum annuum* L.) ва аччиқ (*Capsicum frutescens* L.) қалампир кўчатларини гидропоника иссиқхоналарида етиштиришда махсус иншоотнинг микроклимини ўрганиш;

тезпишарлиги, ҳосилдорлиги, фузариоз сўлиш ва кладоспориозга чидамлилиги, товарбоплиги, мева сифатлари бўйича истиқболли дурагайлари ажратиш;

помидор, ширин ва аччиқ қалампирни гидропоника иссиқхоналарида етиштириш ва юқори ҳосил олишда истиқболли озикланиш меъёрлари, субстрат турларини аниқлаш;

томатдош сабзавотларни гидропоника иссиқхоналарида етиштириш технологиясини такомиллаштирининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида гидропоника иссиқхоналарда помидорни 8 та ва аччиқ ва ширин қалампирни 8 та нав намуналари ўсимлиги ва мевалари, истиқболли субстратларни аниқлашда 8 та субстрат турлари хизмат қилди.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб томатдош сабзавотларни гидропоника иссиқхоналарда нав намуналарининг тезпишарлиги, фузариоз сўлиш ва кладоспориозга чидамлилиги, ҳосилдорлиги ва юқори товарбоп сифатлари бўйича ажратиш; истиқболли субстратларини аниқлаш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Помидор ва қалампир нав намуналарини ўрганиш “Методика государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур” выпуск IV Картофель, бахчевые и овощные культуры (М Колос, 1975), Проведению опытов с овощными культурами в сооружениях защищенного грунта (М Колос, 1975), «Методика опытного дела в овощеводстве и бахчеводстве» (Белик В.Ф., 1992), “Методические рекомендации по проведению опытов с овощными культурами в сооружениях защищенного грунта” (М, 1976), Методические указания по селекции сортов и гибридов томата для открытого и защищенного грунта (Москва: ВНИИССОК, 1986), натижаларини статистик тахлили эса «Методика полевого опыта» (Доспехов Б.А., 1985) “Statistica 7.0 for Windows” компьютер дастурларида дисперсион тахлил усули бўйича ҳисобланган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор гидропоника шароитида ширин қалампирни синалган дурагайлари ичида Орион F1, Клавдио F1 дурагайларига нисбатан эртапишар (7 кун) ва ҳосил бериш давомийлиги узок бўлган (17 кун) Фламинго F1 дурагайи ажралиб

чиққан ва аччиқ қалампирни эртапишар (5 кун) ҳамда ҳосил бериш давомийлиги узоқ бўлган (13 кун) Шакира F1 дурагайи Тилларанг навига нисбатан юқорилиги аниқланган;

ширин қалампирни Фламинго F1, Рейна F1 ва Орион F1 дурагайлари, аччиқ қалампирни эса Шакира F1 дурагайи гидропоника шароитда касалликларга чидамли эканлиги аниқланган;

помидорни юқори ҳосилли Dafnis F1, Torri F1 ва Pink Paradaes F1 дурагайлари (19,4-20,7 кг/м<sup>2</sup>) аниқланган ва товарбоп ҳосил улуши эса 93,6-93,9 % бўлиб, назоратга нисбатан 5-13 % юқори эканлиги аниқланган;

помидорни какос қипиғи – 18,8 кг/м<sup>2</sup>, ёғоч қинидиси билан гўнг аралашмаси – 17,6 кг/м<sup>2</sup> ва минерал вата – 18,4 кг/м<sup>2</sup> бўлган субстратларда ўсган ўсимлиги пояси кучли, товарбоп ҳосили энг юқори кўрсаткичга эга бўлган ва рентабеллиги назоратга нисбатан (гўнг ва ёғоч қириндиси – 13,2 %, минерал вата – 10,9 %) юқори бўлиши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

помидорни гидропоника шароитида етиштиришда синалган дурагайлар ичида эртапишар (5-6 кун) ва ҳосил бериш давомийлиги (3-5 кун) узоқ бўлган Dafnis F1, Torri F1 ва Lamiya F1 дурагайлари ажратиб олинган;

помидорни ер устки қисми, яъни палагининг ўсиши кучли бўлган Dafnis F1 (поя узунлиги 782 см, барг сони 48 дона) ва Torri F1 (поя узунлиги 804 см, барг сони 49 дона) дурагайлари ажратиб олинган;

помидорни Rofita F1, Dafnis F1 Torri F1 ҳамда Lamiya F1 дурагайлари фузариоз сўлиш ва кладоспориоз (барглари доғланиши) касалликларига чидамли эканлиги аниқланган;

помидорни мева вазни юқори бўлган (178-180 г) – Dafnis F1, Torri F1 ва Pink Paradaes F1 дурагайлари ҳамда меваларнинг биокимёвий таркибида қанд микдори энг юқори бўлган Dafnis F1 ва Pink Paradaes F1 дурагайлари (4,25-4,30 %) аниқланган;

гидропоника шароитда ширин қалампирни Фламинго F1, дурагайи энг юқори товарбоп яъни бир метр квадратдан 14,5 кг ҳосил олинган ва товарбоп ҳосил улуши эса 93,4 % ни ташкил этган;

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тажрибалар ҳолати ва бирламчи хужжатларни ҳар йили Тошкент давлат аграр университети ва Ўзбекистон илмий-ишлаб чиқариш маркази апробация Комиссияси томонидан ижобий баҳоланган ва тасдиқланган; ҳар йили ТошДАУ сабзаотчилик, полизчилик ва картошкачилик кафедраси йиғилишларида ҳисоботлар муҳокама қилинган; ўтказилган амалий лойиҳанинг оралиқ ва якуний ҳисоботларига ижобий тақризлар берилган; Тошкент давлат аграр университети илмий услубий кенгаши томонидан тасдиқланган 1 та тавсиянома, тадқиқотлар натижалари материаллари бўйича 10 та республика ва 5 та халқаро конференцияларда, 5 илмий мақола, улардан 3 таси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК рўйхатидаги журналларда чоп этилганлиги билан исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, гидропоника иссиқхонада

помидор ва қалампир турларининг дурагай намуналарини комплекс баҳоланганлиги, гидропоника иссиқхоналарида қимматли хўжалик белгиларга эга бўлган дурагайларни ажратилганлиги ва уларнинг етиштириш технологиясини асосий элементларини илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотлар натижаларининг амалий аҳамияти томатдош сабзавот-ларни гидропоника иссиқхонаси шароитида тезпишар, юқори ҳосилли, касалликлага чидамли помидорни Rofita F<sub>1</sub>, Dafnis F<sub>1</sub> Torri F<sub>1</sub> ҳамда Lamiya F<sub>1</sub> дурагайлари, ширин қалампирни Фламинго F<sub>1</sub>, Рейна F<sub>1</sub> ва Орион F<sub>1</sub> дурагайлари, аччиқ қалампирни эса Шакира F<sub>1</sub> дурагайлари ажратилди. Истикболли субстратлар аниқланди. Гидропоника иссиқхоналарида томатдош сабзавотларни етиштириш технологияси ва унинг асосий элементларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Гидропоникали иссиқхоналар шароитида томатдош сабзавотларни етиштириш технологиясини такомиллаштириш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари асосида:

помидорни гидропоника иссиқхоналари учун истикболли Dafnis F<sub>1</sub>, Torri F<sub>1</sub> ва Pink Paradaes F<sub>1</sub> дурагайларини етиштириш ишланмаси Тошкент вилояти Бекобод тумани “Элёр Бахтиёр Ишонч” МЧЖда 2015-2017 йиллар давомида умумий майдони 0,20 га бўлган гидропоника иссиқхонасида жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 26 июндаги 02/029-1885 сон маълумотномаси). Натижада ҳар бир квадрат метрдан 22-23 кг дан сифатли ҳосил олиниб, тавсия этилган технология асосида бошқа дурагайларга нисбатан 23% юқори натижага эришган;

помидор ва қалампир турларини мақбул субстратда (какос қипиғи) етиштириш ишланмаси 2016-2019 йиллар давомида Сирдарё вилояти Ширин шаҳар “Ширин Агро Нур” МЧЖда умумий майдони 1,0 га бўлган гидропоника иссиқхонада жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 26 июндаги 02/029-1885 сон маълумотномаси). Натижада ҳар бир квадрат метрдан 18-20 кг дан сифатли ҳосил олиниб, тавсия этилган технология асосида бошқа субстратларга нисбатан 22% юқори натижани ташкил этган;

помидорни истикболли Dafnis F<sub>1</sub>, ва Torri F<sub>1</sub> дурагайларини 2016-2019 йиллар давомида Қорақлопоғистон Республикаси Беруний тумани “Кашфиётчи ёшлар” хусусий корхонасининг 2,0 га майдондаги гидропоника иссиқхонасида жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 26 июндаги 02/029-1885 сон маълумотномаси). Натижада ҳар бир квадрат метрдан 23-24 кг дан сифатли ҳосил олиниб, тавсия этилган дурагайларни етиштириш асосида Lesli F<sub>1</sub>, Jalila F<sub>1</sub>, Lamiya F<sub>1</sub> дурагайларга нисбатан 20% ҳосилдорлик ортганлиги аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 15 та, шу жумладан 5 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларини эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий

натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган, 1 та тавсиянома чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 115 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги келтирилган. Муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий–тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ёритилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети келтирилган, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти, уларни жорий этиш тўғрисида маълумотлар апробация ва иш натижаларининг чоп этилганлиги тўғрисида маълумотлар, диссертациянинг ҳажми ва қисқача таркиби баён этилган.

Диссертациянинг **«Иссиқхоналарда томатдош сабзавотларни гидропоника усулда етиштириш технологиясини ўрганилганлиги (адабиётлар шархи)»** деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича хорижий ва республикамиз олимларининг ушбу мавзуда олиб борган илмий тадқиқотлари ва адабий манбалар шарҳланган. Бинобарин, помидорни гидропон иссиқхоналарда етиштиришда нав намуналари, уларни қимматли хўжалик белгилари бўйича ўтказилан тажрибалар натижалари баён этилган. Гидропон иссиқхоналарда томатдош сабзавотларни етиштиришда субстратлар турлари ва озик моддаларига бўлган талаби бўйича маълумотлар келтирилган. Ширин қалампирни гидропон иссиқхоналарда етиштириш хусусиятлари юзасидан маълумотлар тавсифланган.

Диссертациянинг **«Тадқиқотни бажариш шароитлари ва услубияти»** деб номланган иккинчи бобида мавзу бўйича дала тажрибаларини ўтказиш услубини бажаришда фенологик ва биометрик кузатувлар, ҳисоблаш ва таҳлиллар тартиби келтирилган. Асосий тадқиқот натижаларини статистик таҳлили кўрсатилган.

Диссертациянинг **«Гидропон иссиқхоналарида томатдош сабзавотлар экинларини юқори ҳосилли, касалликларга чидамли дурагайларини ажратиш»** деб номланган учинчи бобида помидорни гидропоника шароитига мос, юқори ҳосилли, касалликларга чидамли дурагайларини ажратиш бўйича 2016-2018 йилларда 7 та гетерозис дурагайлари нав танлови ўтказилди.

Ушбу тадқиқот натижасида эртапишар, ер устки қисми яъни палагининг ўсиши кучли бўлган “Dafnis F<sub>1</sub>” ва “Torri F<sub>1</sub>” дурагайлари ажралиб чиқди. Нисбатан калта палак яъни пояси узунлиги, диаметри ва барглари сони жиҳатидан бошқа дурагайларга нисбатан кам бўлган “Jalila F<sub>1</sub>” дурагайи


аниқланди.

Помидорни иссиқхоналарда кўпроқ фузариоз сўлиш ва кладоспориоз ёки баргларни доғланиши касаллиги кўпроқ зарарлайди. Тажрибада стандарт “Rofita F<sub>1</sub>”, “Dafnis F<sub>1</sub>”, “Torri F<sub>1</sub>” ҳамда “Lamiya F<sub>1</sub>” дурагайлари касалликларга чидамли эканлиги маълум бўлди.

Помидорни кичик ҳажмли гидропоника шароитида стандарт “Rofita F<sub>1</sub>” дурагайи эртаки ҳосилини умумий ҳосилдан 38 фоизи яъни, 7,5 кг/м<sup>2</sup> тўплади. Унга нисбатан дурагайлари таққослаганда “Dafnis F<sub>1</sub>” ва “Torri F<sub>1</sub>” дурагайлари 20,6-22,6 фоизга юқори эртаки ҳосил шакллантириб, эртаки ҳосил улуши 41-42 % ни ташкил қилди. Стандарт билан бир хилда “Pink Paradaes F<sub>1</sub>” ва “Lesli F<sub>1</sub>” дурагайлари (98-109 %) эртаки ҳосил тўплади. Энг кам эртаги ҳосилни “Jalila F<sub>1</sub>” дурагайида (7,0 кг/м<sup>2</sup>) стандартга нисбатан 93,3 % ни ташкил этди.

Тажрибада Dafnis F<sub>1</sub> ва Torri F<sub>1</sub> дурагайлари гидропоника иссиқхоналарида етиштириш учун эртапишар ва эртаки ҳосил улуши юқорилиги аниқланди.

Помидорни кичик ҳажмли гидропоника шароитида нав намуналарини танлови натижасида энг яхши, юқори ҳосилли ва ҳосил сифати жиҳатидан истеъмолчилар талабига жавоб берувчи дурагайлар аниқланди. Бунда энг юқори товарбоп ҳосил “Dafnis F<sub>1</sub>”, “Torri F<sub>1</sub>” ва “Pink Paradaes F<sub>1</sub>” дурагайларида бир метр квадратдан 19,4-20,7 кг ҳосил олинди ва товарбоп ҳосил улуши эса 93,6-93,9 фоизни ташкил этди. Стандарт дурагайга нисбатан 5-13 фоизга юқори сифатли ҳосил берди.



*Эртаки ҳосил (ЭКМФ<sub>05</sub> – 0,3; Sx% - 3,3); Умумий ҳосил (ЭКМФ<sub>05</sub> – 0,7; Sx% - 3,6);*

*Товарбоп ҳосил (ЭКМФ<sub>05</sub> – 0,3; Sx% - 1,6);*

1-расм. Помидорни гидропон иссиқхонада F<sub>1</sub> дурагайлари ҳосилдорлиги (2016-2018 йй.)

Энг юқори мева вазнга эга бўлган “Dafnis F<sub>1</sub>”, “Torri F<sub>1</sub>” ва “Pink Paradaes F<sub>1</sub>” дурагайлари аниқланди ва уларнинг меваларини ўртача вазни 178-180 г ташкил этди. Меваларнинг дегустацион баҳоси дурагайлар аро кескин фарқланмади, аммо тажрибада меваларнинг биокимёвий таркибида қанд

миқдори бўйича энг юқори кўрсаткич “Dafnis F<sub>1</sub>” ва “Pink Paradaes F<sub>1</sub>” дурагайларида 4,25-4,30 % ни ташкил этди (1-расм).

Диссертациянинг «Қалампирни гидропоника шароитига мос, юқори ҳосилли, касалликларга чидамли дурагайлари ажратиш» деб номланган бўлимида 2016-2018 йиллар давомида ширин қалампирни гидропоника шароитида 5 та гетерозис дурагайлари ва аччиқ қалампирни 2 та намунаси бўйича нав танлови ўтказилди.

Ширин қалампирни гидропоника шароитда етиштиришда ер устки қисмини ўсиши стандарт дурагайга нисбатан кучли бўлган “Фламинго F<sub>1</sub>” ва “Рейна F<sub>1</sub>” дурагайлари ажралиб чиқди. Нисбатан калта палак яъни пояси узунлиги, диаметри, ён шохлар сони ва барглар сони жиҳатидан бошқа дурагайлارга нисбатан кам бўлган “Клавдио F<sub>1</sub>” дурагайи аниқланди. Гидропоника шароитида аччиқ қалампир, ширин қалампирга нисбатан асосий пояси калталиги аммо ён шохлари ва барг сони кўплиги билан ажралиб турди. Унинг ушбу шароитда ихчам палаклиги аниқланди.

Тажрибада ширин қалампирни “Фламинго F<sub>1</sub>”, “Рейна F<sub>1</sub>” ва “Орион F<sub>1</sub>” дурагайлари, аччиқ қалампирни эса “Шакира F<sub>1</sub>” дурагайи гидропоника шароитда касалликларга чидамли эканлиги аниқланди.

Ширин қалампир дурагайларининг мевасини ўртача вазни 122-130 г ни ташкил этиб, энг юқори кўрсаткич “Фламинго F<sub>1</sub>” ва “Рейна F<sub>1</sub>” дурагайларида бўлди. Аччиқ қалампирни эса меваси “Тилларанг” навида ўртача 16 г, “Шакира F<sub>1</sub>” дурагайида эса 22 г ни ташкил этди.

1-жадвал

Қалампирни F<sub>1</sub> дурагайлари нав синови ҳосилдорлиги

Нав намуналари	Эртаки ҳосил, кг/м <sup>2</sup> (1-феврал-гача)	Умумий ҳосил, кг/м <sup>2</sup>	Товарбоп ҳосил, кг/м <sup>2</sup>				Товарбоп ҳосил улуши, %	Станартга нисбатан, %
			2015-2016 йй.	2016-2017 йй.	2017-2018 йй.	ўртача		
<b>Ширин қалампир (<i>Capsicum annuum</i> L.)</b>								
Маратос F <sub>1</sub> (st)	6,0	13,2	13,3	12,5	10,5	12,1	91,6	100
Рейна F <sub>1</sub>	7,1	12,5	12,4	11,3	11,1	11,6	92,5	96
Фламинго F <sub>1</sub>	7,3	15,5	15,8	14,0	13,7	14,5	93,4	120
Орион F <sub>1</sub>	5,8	13,0	13,6	11,2	11,2	12,0	92,0	99
Клавдио F <sub>1</sub>	5,6	12,2	12,4	10,8	10,4	11,2	91,7	93
<b>Аччиқ қалампир (<i>Capsicum frutescens</i> L.)</b>								
Тилларанг (st)	2,4	7,9	8,0	7,0	6,9	7,3	92,0	100
Шакира F <sub>1</sub>	2,8	9,0	9,6	8,1	7,5	8,4	93,1	115
ЭКМФ <sub>05</sub>	0,1	0,3	0,2	0,4	0,2	0,4		
Sx, %	2,4	4,5	4,7	4,9	3,4	4,4		

Қалампир нав намуналарини эртаки ҳосил миқдори стандарт “Маратос F<sub>1</sub>” дурагайининг эртаки ҳосили умумий ҳосилдан улуши 35 % ёки 6,0 кг/м<sup>2</sup> бўлиб, унга нисбатан бошқа дурагайлар таққослаганда эртаки ҳосил улуши 9-23 % юқори эканлиги аниқланди. Энг юқори эртаки ҳосил “Фламинго F<sub>1</sub>” дурагайида

23 фоиз (7,3 кг/м<sup>2</sup>) ни ташкил этди. Гидропон шароитда ширин қалампирни “Фламинго F<sub>1</sub>” дурагайида энг юқори товарбоп ҳосил 14,5 кг/м<sup>2</sup> ва товарбоп ҳосил улуши эса 93,4 % ташкил этди (1-жадвал).

Стандарт “Маратос F<sub>1</sub>” дурагайи товарбоп ҳосили 12,1 кг/м<sup>2</sup> бўлиб, “Клавдио F<sub>1</sub>”, Оринон F<sub>1</sub>” ва “Рейна F<sub>1</sub>” дурагайларига нисбатан юқори (1-7 %) товарбоп ҳосил шакллантирган. Аччиқ қалампирни эса стандарт “Тилларанг” навига нисбатан “Шакира F<sub>1</sub>” дурагайи 15 фоизга юқори (8,4 кг/м<sup>2</sup>) товарбоп ҳосил берди.

Диссертациянинг «Гидропон иссиқхоналарда томатдош сабзавот экинларини етиштиришда озикли эритмаларни меъёрини ва истиқболли субстратларни аниқлаш» деб номланган тўртинчи бобида 2015-2017 йиллар мобайнида озикали эритмалар турлари ва мақбул озиклантириш меъёрларини аниқлаш. Бунда Тажрибада Жанубий Кореяда ишлаб чиқилган 12 та ва Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган 8 та ўғитлар синаб кўрилди.

Тадқиқотда гидропоника шароитида (1000 литр сувга) А идишга: CaNO<sub>3</sub> ўғитидан – 120 кг, Co(NH<sub>2</sub>)<sub>2</sub> (корбомид) ўғитидан – 5 кг, темирдан (Fe) – 700 г; Б идишга: MgSO<sub>4</sub> ўғитидан – 50 кг, KSO<sub>4</sub> ўғитидан – 80 кг, NH<sub>4</sub>H<sub>2</sub>PO<sub>4</sub> (аммафос) ўғитидан – 15 кг, микро ўғитлардан: бор – 150 г, рух – 150 г, мис – 20 г, марганец – 170 г; С идишга: нитрат кислота (HNO<sub>3</sub>) – 7,5-8 л (эритмани NO<sub>3</sub> билан бойитиш ва рН ни тўғирлаш учун) солинди. Гидропон иссиқхонада асосий эритмани ишчи эритмага ўтказиш учун сув билан (камида 1:10 нисбатда) аралаштирилади ҳосил бўлган ишчи эритма концентрацияси ES бўйича 2,40-2,70, рН бўйича 5,5-6,5 бўлиши аниқланди.

Гидропоника шароитида помидор етиштириш учун мавсум давомида Жанубий Корея ўғитларидан 13751 кг/га макро ва 29,929 кг микро ўғитлар ҳамда маҳаллий макро ўғитлар миқдори 15104 кг/га сарфланди. Ўзбекистонда ишлаб чиқилган K<sub>2</sub>SO<sub>4</sub>, MgSO<sub>4</sub> ва корбомид ўғитларни 20°C сувда эритиб ўсимликни томчилатиб суғориш усули орқали озиклантириш кераклиги аниқланди.

Ўзбекистонда ишлаб чиқилган ўғитлардан фойдаланиш, чет элларда ишлаб чиқилган ўғитларни сотиб олишга нисбатан – 36 млн. сўм/га арзон эканлиги исботланди. Берилган ўғитларнинг 72-88% помидор ўсимлиги ўзлаштиришга, қолган 12-28% ўғитлар оқова сувлар орқали чиқиб кетиши ва гидропоника субстратларида туз сифатида тўпланиши аниқланди.

Тажрибада мавсум давомидаги суғоришлар сони ўртача 2041-2101 мартани, суғориш меъёри эса 2862 м<sup>3</sup>/га ни ташкил қилиб, ҳар бир ўсимлик учун сарфланган кунлик сув миқдори 0,523–0,533 л ни ташкил қилди. Берилган сувнинг 63,7-75,0% ни ўсимлик ўзлаштиришга, қолган қисми эса оқовага чиқиб кетиши, айниқса шағал ва перлит дончаларига экилган вариантларда юқори (33,9-36,3 %) бўлди. Субстраларда тўпланиб қолган минерал ўғитлар қолдиқларини рухсат этилган меъёригача ES бўйича 1,80, рН бўйича 7 гача камайитириш учун 4 марта жами 14 л сув билан (1 ювишда 6 л, 2-3 л, 3-2 л, 4-2 л) ювиш кераклиги исботланди.

Диссертациянинг «Помидорни гидропоника шароитида етиштириш ва юқори ҳосил олишда истиқболли субстратларни аниқлаш» деб номланган

бўлимида 2015-2017 йиллар давомида помидорни гидропоника шароитида етиштиришда назорат сифатида какос қипиғи ва унга таққослаб 7 та субстратларни хусусиятлари ўрганилди. Тадқиқот натижаларига кўра, помидорни ҳар хил субстратларда етиштиришда ҳар бир туб ўсимликка сарфланган ўғитлар меъёри ҳисобланди. Бунда ўғитларни туз сифатида тўпланиб қолиши назорат вариант какос қипиғи ва минерал вата юқори кўрсаткичга (110-122 г) эга бўлди (2-жадвал).

2-жадвал

Помидорни ҳар хил субстратларда етиштиришда ҳар бир туб ўсимликка сарфланган ўғитлар меъёри (физик масса, 20015-2017 йй.)

Субстратлар	Мавсум давомида берилган ўғитлар, г	Оқова сув орқали чиқарилган ўғитлар, г	Субстратларда тўпланиб қолган ўғитлар, г	Ўсимлик ўзлаштирилган ўғитлар, г
Кокос (назорат)	460	58	110	292
Шағал	518	162	41	315
Перлит донача	518	107	79	332
Вермокулит	518	134	87	297
Перлит толаси	518	108	100	310
Ёғоч қириндиси	518	105	108	305
Ёғоч қириндиси + Гўнг (50+50)	518	102	92	318
Минерал вата	518	96	112	310

Субстратлар ичида шағал ва перлит доначалари ўғитларни кам даражада ушлаб қолган. Қолганларида 87-108 г ни ташкил этди. Минерал озик моддаларни оқова орқали чиқиб кетиши энг юқори кўрсаткич шағал ва вермокулитда (134-162 г) кузатилди ва қолган субстратларда ушбу кўрсаткич 58-108 г ни ташкил қилди.

Олинган натижаларга кўра назорат яъни кокос қипиғида ўстирилган бир туб помидорга мавсум давомида ўртача 0,472 л сув сарфланган, шундан 15,7% оқовага чиқарилган, қолган қисмини (0,425 л) эса помидор ўзлаштиради. Тажрибанинг бошқа вариантларидаги ҳар бир ўсимлик учун бир хил меъёрида ўртача 0,350 л сув берилган бўлса, шу берилган сувнинг ўсимликлар орқали ўзлаштирилиши ва оқовага чиқиб кетиши субстратларга боғлиқ ҳолда бир-биридан фарқланганлиги аниқланди.

Помидорни турли хил субстратларда етиштиришда ўсиш ва ривожланиши, биометрик кузатувлар олиб борилиб, бунда бир туп ўсимликни асосий поянинг узунлиги октябр ойидаги ҳолати бўйича нисбатан баланд ўсган ваиантлар шағал ва минерал ватада 86-88 см ни, нисбатан паст бўйли поялар 1-, 3- ва 6-вариантларда 80-81 см ни ташкил этди (3-жадвал).

Бир туп ўсимликдаги мевалар сони эса октябр ойдан декабр ойигача субстратлараро 9 тадан 15 тагача кўтарилди ва март ойигача бу кўрсаткич пасайди ва март ойида 11-16 донагача яна кўтарилди. Сўнгра кейинги ойлardan яна пасая борди. Чунки бунинг сабаби ҳосил пишиши билан териб олинди ва бу

кўрсаткич ойлар давомида фарқланиб борди. Ўсув даври охирида мевалар сони камайиб борди.

Помидорни поядаги шингиллар сони ҳисоблаб чиқилганда октябр ойида барча субстратларда бир хил бир донани ташкил этган бўлса, аммо ўсимликлар ривожланиши натижасида кейинги ойларда кескин ўзгариш бўлди. Бунда энг кўп шингил сонига эга бўлган субстрат какос кипиғи, перлит доначалари ёғоч қинидиси билан гўнг аралашмаси ва минерал ватага экилганда 12-13 донадан гул шоналари шакллантириб, энг кам шоналар сони эса перлит толаси ва шағалга экилганда 6-10 донани ташкил қилди.

Албатта тажрибада помидор ўсимлигини шоналар сонини кўпайиши ўз навбатда мева сони ва ҳосил ортишига олиб келди. Шоналарни тўлиқ тутиб яъни, ривожланиб мева ҳосил бўлиши эса қулай шароит ва озик моддаларнинг ўз вақтида беришга боғлиқ бўлди.

Помидорни турли хил субстратларда етиштиришда май ойида асосий поялар узунлиги субстратлар бўйича фарқланиб, энг узун пояга эга бўлган вариант бу какос кипиғи, ёғоч қинидиси билан гўнг аралашмаси ва минерал ватага экилган субстратларда 632-674 см ни ташкил этди. Энг кам поя узунлиги эса перлит толаси ва шағалда ўсганда 528-571 см ни ташкил қилди. Қолган субстратларда ўсганда эса 587-630 см ораликдаги поя узунлигига эга бўлганлиги аниқланди.

Тажрибада помидорни ҳар хил субстратларда етиштирилганда ўсимликнинг ўсиш ва ривожланиши кокос кипиғи, минерал вата ва ёғоч қириндиси билан гўнг қўшилган субстратларда яхши натижа берди.

Субстратларда ўсган помидор поясининг энг узун кўрсаткичи какос кипиғи, ёғоч қинидиси билан гўнг аралашмаси ва минерал ватага экилган вариантларда 632-674 см ни ташкил этди. Энг кам поя узунлиги эса перлит толаси ва шағалда ўсган вариантларда 528-571 см ни ташкил қилди.

Тадқиқот натижаларига кўра, помидорни ҳосили товар ва нотава ҳосилга ажратилди ва мевасининг ўртача вазни аниқланди. Бунда вариантлараро энг юқори вазнга эга бўлган вариантлар назорат какос кипиғи, минерал вата ва ёғоч қириндиси билан гўнг қўшилган вариантларда 172-180 г ни ташкил этди. Энг кам вазнга эга бўлган вариант вермокулитда етиштирилганда 131 г, қолган вариантларда эса бу кўрсаткич 145-152 г эканлиги аниқланди.

Помидорни Dafnis F1 дурагайини турли хил субстратларда кузги-қишки ва қиш-баҳорги мавсумда етиштиришда ўсимлик ер устки қисмини ўсиш ва ривожланиши (2015-2017 йй.)

Субстратлар	Биометрик ўлчовлар ўтказилган ойлар																							
	X			XI			XII			I			II			III			IV			V		
	Поя узунлиги, см	Шона сони, дона	Мева сони, дона	Поя узунлиги, см	Шона сони, дона	Мева сони, дона	Поя узунлиги, см	Шона сони, дона	Мева сони, дона	Поя узунлиги, см	Шона сони, дона	Мева сони, дона	Поя узунлиги, см	Шона сони, дона	Мева сони, дона	Поя узунлиги, см	Шона сони, дона	Мева сони, дона	Поя узунлиги, см	Шона сони, дона	Мева сони, дона	Поя узунлиги, см	Шона сони, дона	Мева сони, дона
Кокос қипиғи	80	1	0	166	2	2	261	5	15	345	6	9	378	7	10	446	8	13	574	11	8	664	13	3
Шағал	86	1	0	166	2	2	261	5	15	319	7	8	346	7	10	452	8	13	519	9	7	571	10	2
Перлит доначалари	81	1	0	168	2	2	247	7	14	347	7	7	381	7	10	427	8	16	554	10	7	630	12	3
Вермикулит	85	1	0	170	2	2	262	7	15	338	7	8	357	7	10	462	8	16	545	9	8	587	10	3
Перлит толаси	80	1	0	165	2	1	261	5	9	345	5	7	352	6	9	376	6	11	512	6	5	528	6	1
Ёғоч қириндиси	80	1	0	165	2	2	254	7	13	345	6	10	384	7	11	461	7	12	532	10	6	618	11	2
Ёғоч қириндиси + гўнг (50+50)	85	1	0	171	2	2	256	7	14	330	6	9	366	7	10	474	7	13	560	11	6	632	12	3
Минерал вата	88	1	0	168	2	2	254	7	13	367	8	10	400	6	9	448	7	16	576	11	7	674	13	2

Тажрибада ҳар хил субстратларда ўсган помидор ҳосилдориғи қакос қипиғида етиштирилган вариантда бир метр квадратдан 18,8 кг, ёғоч қинидиси билан гўнг аралашмаси ва минерал ватага эқилган вариантларда эса 17,6-18,4 кг юқори кўрсатқичга эга эканлиғи аниқланди (4-жадвал).

4-жадвал

Помидорни гидропоника шароитида ҳар хил субстратларда етиштиришда ҳосилдорлиғи, кг/м<sup>2</sup> (2015-2017 йй).

Вариантлар	Мева вазни, г	Умумий ҳосил, кг/м <sup>2</sup>	Товарбоп ҳосил, кг/м <sup>2</sup>	Товарбоп ҳосилнинг улуши, %	Назоратга нисбатан, %
Кокос (назорат)	180	20,3	18,8	92,5	100
Шағал	145	15,6	13,7	87,6	73
Перлит доначалари	152	16,6	14,8	88,9	79
Вермокулит	131	16,7	14,9	89,4	79
Перлит толаси	147	17,3	15,6	90,1	83
Ёғоч қириндиси	148	17,2	15,4	89,6	82
Ёғоч қириндиси + Гўнг (50+50)	172	19,2	17,6	91,6	94
Минерал вата	174	20,0	18,4	92,0	98
ЭКМФ <sub>05</sub>	3,8	0,3	0,3	-	-
Sx, %	2,4	1,5	2,0	-	-

Помидорни гидропоника иссиқхоналарида етиштиришда субстратлардан маҳаллий қириган гўнг ва ёғоч қириндиси аралашмасини қўллашда 13,2 фоизга, минерал ватани қўллашда 10,9 фоизга рентабеллиғи юқори эканлиғи маълум бўлди.

## ХУЛОСАЛАР

1. Помидорни синалган дурагайлари ичида эртапишар (5-6 кун) ва ҳосил бериш давомийлиғи (3-5 кун) узоқ, фузариоз сўлиш ва кладоспориоз касалликларига нисбатан қидамли бўлган Dafnis F<sub>1</sub>, Torri F<sub>1</sub> ва Lamiya F<sub>1</sub> дурагайлари ҳамда палағи қучли ўсувчи яъни поясининг узунлиғи, диаметри ва барғлар сони юқори бўлган Dafnis F<sub>1</sub> (поя узунлиғи 782 см, барғ сони 48 дона) ва Torri F<sub>1</sub> (поя узунлиғи 804 см, барғ сони 49 дона) дурагайлари аниқланди.

2. Гидропоника шароитида помидорни энг яқши, сифатли ва юқори ҳосилли Dafnis F<sub>1</sub>, Torri F<sub>1</sub> ва Pink Paradaes F<sub>1</sub> дурагайлари (19,4-20,7 кг/м<sup>2</sup>) ажралиб қикди ва товарбоп ҳосил улуши эса 93,6-93,9 фоиз, стандарт навга нисбатан 5-13 фоизга юқори бўлди. Энг юқори мева вазнга эга бўлган (178-180 г) – Dafnis F<sub>1</sub>, Torri F<sub>1</sub> ва Pink Paradaes F<sub>1</sub> дурагайлари ҳамда меваларнинг биокимёвий тарқибиди қанд миқдори энг юқори бўлган Dafnis F<sub>1</sub> ва Pink Paradaes F<sub>1</sub> дурагайлари (4,25-4,30 %) аниқланди.

3. Гидропоника шароитида ширин қалампирни эртапишар (7 кун) ва ҳосил бериш давомийлиғи узоқ бўлган (17 кун) Фламинго F<sub>1</sub> дурагайи ва ақчик қалампирни эртапишар (5 кун) ва ҳосил бериш давомийлиғи узоқ бўлган (13 кун) Шақира F<sub>1</sub> дурагайи аниқланди. Шунингдек ўсимликни ер устки

қисмини ўсиши стандартга нисбатан кучли бўлган Фламинго F<sub>1</sub> ва Рейна F<sub>1</sub> дурагайлари ажралиб чиқди.

4. Ширин қалампирни энг юқори товарбоп ҳосил берган Фламинго F<sub>1</sub>, дурагайда яъни бир метр квадратдан 14,5 кг ҳосил олинди ва товарбоп ҳосил улуши эса 93,4 фоизни ташкил этди. Аччиқ қалампирни эса стандарт Тилларанг навига нисбатан Шакира дурагайи 15 фоизга юқори (8,4 кг/м<sup>2</sup>) товарбоп ҳосил берди. Гидропоника иссиқхонада помидорни етиштиришда гектаридан олинган соф фойда 545,976 млн. сўмни, ширин қалампирда эса 270,636 млн. сўмни ташкил этди. Рентабеллик даражаси эса 150 фоиз ва ширин қалампирда эса 300 фоизни ташкил этди.

5. Ширин қалампир дурагайлари нинг мевасини ўртача вазни 122-130 г бўлиб, энг юқори кўрсаткич Фламинго ва Рейна дурагайларида бўлди. Аччиқ қалампирни Тилларанг навида меваси ўртача вазни – 16 г, Шакира дурагайда эса 22 г ни ташкил этди.

6. Турли субстратларда ўсган помидор пояси кучли ўсган (632-674 см) какос қипиғи, ёғоч қинидиси билан гўнг аралашмаси ва минерал ватага экилган вариантларда, энг кам кўрсаткич эса перлит толаси ва шағалда ўсган вариантларда (528-571 см) кузатилди.

7. Помидорни турли хил субстратларда етиштиришда товарбоп ҳосили энг юқори кўрсаткичга эга бўлган (какос қипиғи – 18,8 кг/м<sup>2</sup>, ёғоч қинидиси билан гўнг аралашмаси – 17,6 кг/м<sup>2</sup> ва минерал вата – 18,4 кг/м<sup>2</sup>) ва рентабеллиги биринчи субстратга нисбатан (гўнг ва ёғоч қинидиси – 13,2%, минерал вата – 10,9%) юқори бўлганлиги аниқланди.

8. Турли субстратларда ўсган помидор меваларининг энг кам вазнга эга бўлган вермикулитда етиштирилганда – 131 г бўлиб, қолган вариантларда эса бу кўрсаткич 145-152 г ни ташкил қилди.

9. Иссиқхоналарда томатдош сабзавотларни гидропоника усулида етиштириш технологиясини такомиллаштириш бўйича тавсиялар:

иссиқхоналарда етиштиришда қимматли хўжалик белгиларига эга бўлган помидорни Dafnis F<sub>1</sub>, Torri F<sub>1</sub> ва Pink Paradaes F<sub>1</sub> дурагайлари нини экиш, қалампирни Фламинго, Рейна ва Орион дурагайлари нини экиш;

гидропоника шароитида 1000 литр сувга: А идишга – CaNO<sub>3</sub> ўғитидан – 120 кг, Co(NH<sub>2</sub>)<sub>2</sub> (корбомид) ўғитидан – 5 кг, темирдан (Fe) – 700 г; Б идишга – MgSO<sub>4</sub> ўғитидан – 50 кг, KSO<sub>4</sub> ўғитидан – 80 кг, NH<sub>4</sub>H<sub>2</sub>PO<sub>4</sub> (аммафос) ўғитидан – 15 кг, микро ўғитлардан: бор – 150 г, рух – 150 г, мис – 20 г, марганец – 170 г; С идишга эса нитрат кислота (HNO<sub>3</sub>) дан – 7,5-8 л (эритмани NO<sub>3</sub> билан бойитиш ва рН ни тўғирлаш учун) солиш;

маҳаллий ўғитлардан K<sub>2</sub>SO<sub>4</sub>, MgSO<sub>4</sub> ва корбомид ўғитларни 20°C сувда эритиб, сувда қийин эрийдиган CaNO<sub>3</sub> ва аммафос ўғитларини эса 40°C ли сувда эритиб, ҳосил бўлган эритмадан фойдаланиш;

помидорни гидропоника шароитида истиқболли какос қипиғи, ёғоч қинидиси билан гўнг аралашмаси ва минерал вата субстратларида ўстириш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 05/29.04.2022.Qx.13.04 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**АБДИЕВ ЗАФАРАЛИ ТОШТЕМИРОВИЧ**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ СПОСОБОВ  
ВЫРАЩИВАНИЯ ПОСЛЕНОВЫХ ОВОЩНЫХ КУЛЬТУР  
ГИДРОПОННЫМ СПОСОБОМ В ТЕПЛИЦАХ**

**06.01.06 – Овощеводство**

**АВТОРЕФЕРАТ  
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ НАУК  
(PhD)**

**ТАШКЕНТ – 2022**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.1.PhD/Qx375.


Диссертация выполнена в Ташкентском государственном аграрном университете.  
Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.tdau.uz](http://www.tdau.uz)) и Информационно-образовательном портале «Ziyo Net» ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Асатов Шухрат Исмаилович</b> доктор сельскохозяйственных наук, профессор
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Санаев Собир Тохирович</b> доктор сельскохозяйственных наук, профессор <b>Хошимхўжаев Бегзод Музаффарович</b> кандидат сельскохозяйственных наук менеджер фирмы Биозадеи
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Научно-исследовательский институт овощебахчевых культур и картофеля</b>

Защита диссертации состоится « 29 » марта 2023 года в 10<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, дом-2. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: [tuag-info@edu.uz](mailto:tuag-info@edu.uz); Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1-этаж, зал заседаний).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована под номером 547997). (Адрес: 100140, г.Ташкент, ул.Университетская, дом-2. Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра. Тел.:(+99871)260-50-43).

Автореферат диссертации разослан « 17 » марта 2023 года.  
(реестр протокола рассылки номер 7 от « 25 » января 2023 года).



**Э.Т.Бердиев**  
Председатель научного совета по  
присуждению учёных степеней,  
д.с.х.н., профессор

**М.З.Холмуротов**  
Учёный секретарь научного совета по  
присуждению учёных степеней,  
д.с.х.н. (PhD), доцент

**С.А.Юнусов**  
Председатель научного семинара при  
научном совете по присуждению  
учёных степеней, д.с.х.н., профессор



## ВВЕДЕНИЕ (Аннотация доктора философских наук (PhD))

**Актуальность и необходимость темы диссертации.** В настоящее время во всем мире уделяется внимание организации здорового питания, предусматривающего ежедневное потребление плодов и овощей. Томат является одной из основных культур среди овощей, и важно увеличить его производство и улучшить качество продукции. В настоящее время площадь засаженных томатами в мире составляет 3,0 млн. га, урожайность 70-100 т/га в открытом грунте, 180-200 т/га в теплицах, 250-350 т/га в условиях гидропонике. За последние годы площадь теплиц в Испании – 52 тыс., в Японии – 42 тыс., в Китае – 1500 тыс., в Турции – 35 тыс., в Италии – 20 тыс., в Нидерландах – 10 тыс., во Франции – 8,5 тыс. тыс., в Польше – 6,3 тыс., в Германии – 3,7 тыс., в России – 3,1 тыс., в Украине – 8,0 тыс. и в Узбекистане – 8,3 тыс.<sup>1</sup>. В настоящее время в мире площадь перца 1,7 млн. гектар, валового сбора 25 млн. тонн. Этот показатель в основном растет в Китае, Мексике, Турции, США и Испании, более 70%.

Устранение продовольственной проблемы в мире зависит от увеличения населения, увеличения объемов производства, развития ускоренных технологий, то есть единственного пути повышения урожайности сельскохозяйственных культур. Эта возможность может быть реализована только за счет применения инновационных технологий и новых высокоурожайных сортов. Гидропоника относится к изучению, выделению и разработке инновационных технологических элементов для выращивания высокоурожайных, устойчивых к болезням сортов и гибридов томатов в теплицах.

В нашей стране реализуется ряд мер по дальнейшему развитию отрасли овощеводства и укреплению экспортного потенциала продукции. В пункте 3.3 Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан, посвященном дальнейшему развитию сельского хозяйства, «... дальнейшему укреплению продовольственной безопасности страны, расширению производства экологически чистой продукции и значительному увеличению экспортного потенциала сельскохозяйственного сектора» а также «Стратегии развития Республики Узбекистан на 2020–2030 годы», утвержденной Указом Президента Республики Узбекистан от 23 октября 2019 года ПП-5853, одной из основных задач является обеспечение продовольственной безопасности и здоровой культуры питания. Намечается увеличить ассортимент овощей для здорового питания, создать новые сорта и улучшить качество продукции.

Указы и постановления Президента Республики Узбекистан от 29 марта 2018 года ПП-№ 5388 «О дополнительных мерах по интенсивному развитию овощеводства в Республике Узбекистан», от 20 ноября 2018 г ПП-№ 4020 «О мерах по созданию дополнительных условий для развития тепличных комплексов», от 20 марта 2019 года ПП-№ 4246 «О мерах по дальнейшему

---

<sup>1</sup>, FAOstatinformatoin.

<sup>2</sup> ООО «ZAMONAVYI ISSIQXONA»

развитию садоводства и тепличного хозяйства в Республике Узбекистан» во многом служат достижению целей правовых актов, связанных с этой деятельностью.

**Соответствие исследований основным приоритетам развития науки и техники в республике.** Данное диссертационное исследование было проведено в рамках приоритетного направления развития науки и техники Республики Узбекистан V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

**Степень изученности проблемы.** Отбор высокоурожайных, устойчивых к болезням сортов и гибридов для выращивания томатов и перца в теплицах, проведение селекционных работ и создание новых сортов и гибридов зарубежными учеными L.Bortini, E.J.Daniello, в СНГ С.Ф.Гавриш, В.В.Огнев, в Узбекистане Н. С. Бакурас, К. К. Луценкова, В. Я. Волков, С. А. Латыпова, Э. Лян, Н. Раджабова, Б. М. Хошимходжаев проводили исследования. В 80-90-х годах прошлого века ученые Узбекского научно-исследовательского института овощеводства, бахчеводства и картофелеводства Н. С. Бакурас создали сорта Ташкентский тепличный (1985 г.), Гулканд (1990 г.) и Аве Мария (1995 г.) для выращивания томатов на защищённом грунте.

В 2018 году 124 сорта томатов для посадки на защищённом грунте были включены в Государственный реестр, и в настоящее время 7 сортов томатов, адаптированных для выращивания на защищённом грунте были созданы и включены в Государственный реестр местными селекционерами. Создано 5 сортов томата – Аве-Мария, Гульканд, Марварид (вишня), сорта Субхидам и Турон и 2 гибрида – Сайхун F1 и Бахар F1. Сладко-острый перец создан сортом Тилларанг и гибридами Маратос F1 (st), Рейна F1, Фламинго F1, Орион F1, Клаудио F1, Шакира F1.

